



GAZETA 1991 йил  
21 МАРТДАН  
ЧИКА БОШЛАГАН

# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2006 йил 7 апрел, жума № 61 (2110)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА  
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 6 апрел куни Оксаройда Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё бўйича минтақавий вице-президенти Шинго Катсуни қабул қилди.

Сизнинг Марказий Осиё мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистонга қизиқингиз бизни ҳамкорликда янги лойиҳалар учун руҳлантиради, - деди Ислам Каримов учрашувда. Ўзбекистон билан Жаҳон банки ўртасидаги алоқаларга 1993 йилда асос

қилинмоқда. Айти пайтгача Жаҳон банки томонидан юртимизда амалга оширилаётган лойиҳалар учун 600 миллион АҚШ долларидан зиёд кредит ажратилган. Учрашувда Ўзбекистон билан Жаҳон банки ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг бугунги аҳоли ва истиқболга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Сизнинг Марказий Осиё мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистонга қизиқингиз бизни ҳамкорликда янги лойиҳалар учун руҳлантиради, - деди Ислам Каримов учрашувда. Ўзбекистон билан Жаҳон банки ўртасидаги алоқаларга 1993 йилда асос қилинмоқда. Айти пайтгача Жаҳон банки томонидан юртимизда амалга оширилаётган лойиҳалар учун 600 миллион АҚШ долларидан зиёд кредит ажратилган. Учрашувда Ўзбекистон билан Жаҳон банки ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг бугунги аҳоли ва истиқболга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

## ТИЖОРИЙ АРБИТРАЖ ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Россия Федерацияси Савдо-саноат палатаси катта вице-президенти Борис Пастухов раҳбарлигидаги ишбилармон доира вакилларидан иборат делегациянинг юртимизга ташрифи доирасида пойтахтимизда икки мамлакат тадбиркорларининг ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган учрашувлари якуниланди. Тижорий арбитраж соҳасида ҳамкорликка бағишланган давра суҳбатига халқаро тижорий арбитражнинг асосий қирралари ва унинг халқаро савдо ва сармоялар ҳаракатидаги ўрни, халқаро тижорий арбитражда баҳсларни ҳал этишнинг долзарб масалалари муҳокама этилди. Россиялик меҳмонлар мамлакатимизда тижорий арбитражни шакллантириш борасида амалга оширилаётган ишлар билан таништирилди.

Учрашувда Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов раҳбарлигида сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган фаол сиёсат олиб борилаётгани алоҳида таъкидланди. Тижорий арбитражнинг ташкил этилиши ҳам маъмурий йўналишдаги муҳим вазифалардан бири. Ҳозир мамлакатимиз парламент палаталарида ҳақамлик судлари тўғрисида ҳамда халқаро тижорий арбитраж суди тўғрисидаги қонунларнинг лойиҳалари қўриб чиқилмоқда.

Россия Федерацияси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Халқаро тижорий арбитраж суди президенти Нина Вилкова ҳамда Савдо-саноат палатасининг ҳуқуқий департаменти катта эксперти Михаил Савранскийнинг Россиядаги тижорий ҳақамлик судлари тизимида оид маърузалари тингланди.

Россия Федерацияси ҳудудида товарларнинг келиб чиқиш сертификатини расмийлаштиришга бағишланган давра суҳбатига эса товарнинг бирламчи эгаси бўлган мамлакатни аниқлаш қондалари, товарларнинг келиб чиқиш сертификатларини расмийлаштириш, тасдиқлаш ва бериш тартиби, бундай ҳужжатларни текширувдан ўтказиш, савдо-саноат палаталари мутахассисларини сертификатларни расмийлаштириш бўйича услубий қўлланмалар билан таъминлаш ва ўқитиш ҳамда маъмурий масалаларда бошқона ва бошқа масъул идоралар билан ҳамкорлик юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон ва Россия ишбилармонлари ўртасида кооперация биржа ҳам бўлиб ўтди. Унда икки томонлама ҳамкорлик истиқболлари ва янги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш имкониятлари муҳокама этилди.

(ЎзА)

## Амир Темуր таваллудининг 670 йиллигига

Ривоят қилишларича, қадимда бир афсонавий қуш бўлган экан. Фақат қуёш нуридан озқилиб, юксакка, самога парвоз қиладиган ана шу қуш сайрашини эшитган инсонда руҳий уйғоқлик кучайиб, орзулари жунбушга келаркан. Миллат фахр-ифтихори, халқ даҳоси тимсолига айланган буюк зотларда ҳам ана шундай умуминсоний хислатлар борки, улар қуёшдек барчага бир хил маънавий, руҳий ёлқинлар таратиб, эзгуликка чорлаб турадилар.

## ФАХРИМИЗ, ҒУРУРИМИЗ

Президентимиз эътироф этганларидек, «...Урнинг мазмунини «Миллатнинг дардларига дармон бўлишдан иборат», деб билган Амир Темуր халқимизнинг ана шундай ардоқли, улуг фарзандидир. Ҳаммамиз яхши билемизки, тарихда машҳур жаҳонгирлар кўп ўтган. Лекин айтинг, дунёнинг қайси ерида, қайси замонда Амир Темурдек буюк саркарда, Амир Темурдек буюк давлат арбоби, Амир Темурдек илм-фан, маънавият ва рухоният ҳомийси бўлган?»

Миллатнинг руҳи, шукҳи, буюклиги унинг маънавий булоқларининг сеҳроблиги ва поклигида намоён бўлади. Жаҳонгир Амир Темур ҳам маънавиятимизни юксак ўзанларга боғлаб турган буюк зотдир. Соҳибқирон эзгулик элчиси сифатида нафақат миллатимиз, балки дунёда адолат ва ҳақиқат салтанатини ўрнатган зот сифатида кадрлидир. Амир Темур ўз салтанатини ақл-заковат ва ҳуқуқий асос, энг муҳими, адолат билан бошқарган. «Давлат ишларининг тўққиз улушини кенгаш, тадбир ва машварат билан амалга оширдим», деган фикрлари сўзимиз исботидир.

Амир Темур бузмоқчи эмас, ҳаммизга тузмоқчи ўйлаган. У умр бўйи бунёдкорлик билан машғул бўлган. Хазратнинг «Кай бир жойдан бир гишт олсам, ўрнига ўн гишт қўйдирдим, бир даракт кетирсам, ўрнига ўн қўчат эктирдим, деган сўзлари бу ҳақиқатнинг исботидир.

Амир Темур ўз давлатини ақл-заковат, ҳуқуқий асос билан бошқаргани туфайли ўтган 6 асрдан ортиқ даврда қанча давлатлар, салтанатлар, инсонпарвар жамятлар барпо этилган қасба-да, бирортаси адолатли сиёсатда, одилликда дамурад турган улкан гумбази Темурийлар тарихи Давлат музейи соҳибқирон бобомиз таваллудининг 670 йиллиги муносабати билан барпо этилган эди. Пойтахтимизнинг гўзал тимсолига айланган ушбу маънавият қошонаси соҳибқироннинг улғурғор ҳайкали қад кўтарган Амир Темур номидаги ҳиббон билан уйғунликда салобат тўкиб турибди. Миллий давлатчилигимиз тарихи ва халқимизнинг кўп минг йиллик маданиятига қизиқувчи юртдошларимиз, талба-ёшлар, пойтахтимиз меҳмонларининг севимли даргоҳига айланган музей Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги муносабати билан янада гавжуллашган.

(Давоми 3-бетда)

Шиддат билан ўзгараётган замонамизда тезкор ва фаол ҳаракат қилиш, кечаётган жараёнларга бефарқ муносабатда бўлмастик ҳар бир соҳада муваффақият олиши санолади. Шу маънода касабаси уюшмалари фаолиятида ташаббускорлик, ташкилотчилик кенг аҳамият қаратилиши кишилар ўртасида унинг нуфузини оширади. Эскича ишлаш, фикрлаш билан ижобий натижани қўлга киритиб бўлмайди. Одамлар ишончини қозониш, уларни ўз ортидан эргаштира олиш салоҳияти катта аҳамият касб эзди. Ҳар бир касба уюшма фаоли томонидан аниқ, изчил тақлифларнинг илгари сурилиши, ҳаракатчанлик, удабуронлик билан ўзини кўрсатиш орқалигина бунга эришиш мумкин.

Касба уюшма деганда кўпчилик нотўғри, янглиш тасаввурга эга эканлигини тан олмақ лозим. Ҳақон касба уюшмаларига нисбатан сихатгоҳларга йўлланма ажратадиган ва моддий ёрдам берадиган ташкилот сифатида қараш ҳукмронлик қилмоқда. Шу билан бирга, иш берувчи ва ходимлар ўртасидаги меҳнат муносабатларида қонунийлик-



ни таъминлашга етарли эътибор қаратмаслик ҳам ана шундай бирёқлам, тор тушунарларни келтириб чиқарапти.

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Мирзохон Содиков «Ўзбекистон касабаси уюшмалари Феде-

## МАҚСАДГА ЭРИШИШ УЧУН

етақчи фидойи, ташаббускор бўлиши керак



рацияси IV қурултойи қарорларини бажариш юзасидан касба уюшма ташкилотларининг вазифалари тўғрисидаги маърузасида ижтимоий ҳимоя кишиларга доимий иш жойи ва доимий даромад манбаини яратишдан бошланганини алоҳида таъкидлади. Бино-

лар юзасидан қарор қабул қилиниши оқибатида ташкилот нуфузига пугур етакчилигини сир эмас. Айрим етакчиларнинг малакаси, тайёргарлик даражаси шиддат билан ўзгараётган давр суръатида ортада қояпти. Улар учун ташкил этилаётган ўқувлар қўзғалган самарани бермаёпти. Ана шундай лоқайдлик, суҳбатчилик оқибатида кейинги йилларда аъзолар сони агросаноат, қурилиш, маданият, савдо ва тадбиркорлик тармоқларида анча камайди. Бу ҳолат жойларда етарли даражада таъсирчан иш олиб борилмаётганлигидан далолат беради. Касба уюшма фаоллари орасида эълоб, минглаб тажрибали, ходимлар кўнглига йўл топадиган ташаббускорлар бўлишига қарамай, хали-хануз фаоллар захирасининг ўзига хос мактаби шаклланимаяпти. Энг ёмони, улар орасида ёшлар, хотин-қизлар камчилиги ташкил қилади.

Иккинчидан, касба уюшма етакчиларининг ҳуқуқий саводхонлиги, иқтисодий билимлари паст. Шу боис иш берувчи олдида ходимлар билан муносабатларда етакчи ўз позициясини ҳимоя қила олмайди. Ҳолбуки, жамоа етакчини ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилади, деб саялаб қўйган. Демак, бугунги етакчи замон билан ҳам-

қўзга ташланмайди. Республика касба уюшмаларининг «Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталари етакчиларга сиртки мулоқот учун энг яхши минбардир. Аммо ундан фойдаланишни кўпчилик билмайди. Тармоқ, қорхона ва меҳнат муносабатларидаги муаммолар масалалари, уларнинг ечимлари ҳақида жўяли тақлифлар матбуотда айтилса, бунинг кўпчилигига нафи тегиши шубҳасиз. Негаки, газеталардаги ҳар бир мақола тармоқнинг энг юқори раҳбарига етиб боради. Қолаверса, мулоқотнинг бундай усули ўзаро тажриба алмашишда ишончи манба бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, минтақавий семинарда ўзқўшма мутахассислари А.Рисқуллаев, Р.Верещагина, А.Асқадов ва бошқалар муҳим мавзуларда фикр юритишди. Семинар қатнашчилари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди. Уртага ташланган масалаларни ҳал этиш борасида келишиб олинди. Шақшубха йўқки, бундай минтақавий семинарлар хали етарли тажрибага эга бўлмаган касба уюшма етакчиларига ўз фаолиятларини тўғри ташкил этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

## Минтақавий семинар

атчилик назоратини қучайтириш, бажарилишини таъминлаш масалаларига қаратилди. Шунинг алоҳида таъкидлаш жойизки, маъмурий ҳужжатларни ишлаб чиқишда бугунги кунда ана мукамалликка эришилмоқда. Бундан биринчи навбатда, меҳнаткашлар наф қўраётгани қувончи ҳолдир. Аммо бир қатор қорхоналарда тузилган жамоа шартномалари ўта тор қирадаги масалаларни қамраб олган. Энг ёмони, уларни иш берувчи томонидан тўла-тўқис бажарилишини таъминлаш муаммо бўлиб қолмоқда. Шу боис келишувлар ва жамоа шартномаларини тузишда икки муҳим мезонни унутмаслик зарур. Бу қонун талабига мослик ва тармоқ келишувларида белгиланган меъёрларнинг пайасмаслигидир.

Давлатимиз меҳнаткашларини ижтимоий ҳимоялашни муттасил қучайтираётган бир пайтда бу борада дастурий вазифалар ўзига хос тарзда жамоа шартномаларида акс этиши ва бажарилиши зарур. Бунинг учун эса уларнинг таъсирчанлигини ошириш, амалийлигини белгилаш лозим. Энг муҳими, жамоа шартномалари шартларини бажармаганиги учун жавобгарлигини қучайтириш керак.

Яна шунини айтиш мумкинки, ҳозирги бозор шароитида бандлик муаммоси жиддий ижтимоий масала ҳисобланади. Шунинг учун ходимларнинг ҳақ тўланмайдиган мажбурий таътилларга чиқарилиши юборилиши устидан мониторинг ўрнатиш ва уларга қонунга биноан ўртача иш ҳақини сақлаб қолиш масаласини иш берувчи олдида қўйиш керак. Касба уюшмалари бу муаммоларни ҳал этиш борасида ўз тақлифлари билан ҳисса қўйиши лозим. Хулоса қилиб айтганда, ҳамкорликда тузилаётган жамоа шартномаларида барча масалалар қамраб олиниши ва бу меъёрларни ҳужжат қонун устуворлигини таъминлашда ишончи манба бўлиб хизмат қилиши зарур.

Шунингдек, минтақавий семинарда ўзқўшма мутахассислари А.Рисқуллаев, Р.Верещагина, А.Асқадов ва бошқалар муҳим мавзуларда фикр юритишди. Семинар қатнашчилари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди. Уртага ташланган масалаларни ҳал этиш борасида келишиб олинди. Шақшубха йўқки, бундай минтақавий семинарлар хали етарли тажрибага эга бўлмаган касба уюшма етакчиларига ўз фаолиятларини тўғри ташкил этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Тўлқин ШЕРНАЕВ,  
«Ишонч» муҳбири  
Иқром ХАСНОВ  
олган суратлар

## ШЕРИКЧИЛИК ТАМОЙИЛИ ОРҚАЛИ МУАММОЛАР ЕЧИМИНИ ТОПМОҚДА

Коракалпоғистон Республикаси ҳудудий жиҳатдан нисбатан шароити анча оғир бўлса-да, бу ерда истиқомат қилаётган меҳнат аҳлининг иқтисодий ислохотларни жадаллаштиришига ва юрт раванқини камол топтиришига қўшаётган ҳиссаси катта. Шунга қарамай бир пайтлар ҳудуд аҳлининг ижтимоий масалалар билан боғлиқ муаммоларига аҳамият берилмасдан, аҳоли ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Масалан, ўша кезларда оддий касалликларга шифо топиш учун ҳам ҳар йили қарийб 500 нафардан зиёд киши бир неча кун вақт сарфлаб Тошкентга келишарди.

Мустақиллик йилларида ҳукуматимизнинг ташаббуси билан ҳудуд шароити қайта ўрганилиб, шовиш-қоралар чора-тадбирлар қўрилди ва бу борада қатор Фармонлар эълон қилиниб, ижтимоий масалаларни ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилди. Ростини айтганда,

ҳозирги кунда республиканинг барча туманлари, айниқса, Нукус шаҳри таниб бўлмас даражада ўзгарган. Шаҳар ва қишлоқлар обдорлаштирилиб, аҳоли турмуш фаровонлиги ортомқда. Юзлаб қўшма қорхоналар, маъмурий бинолар қад ростланди. Энди кишилар дарадига шифо топиш учун мар-

казга эмас, балки бошқа жойлардан бу ерга келишмоқда.

Ўтган даврда ишлаб чиқаришнинг барча тармоқлари қаторида меҳнаткаш ҳақуқини ҳимоя этувчи касба уюшмалари шифолиги ҳам тубдан ўзгарди. Мақсад меҳнат аҳлини ижтимоий ва иқтисодий ҳимоялаш ҳамда етарлича шарт-шароитлар яратиш беришдан иборат. Шу маънода Республика касба уюшмалари ва ўндан ортиқ тармоқларида олиб бориладиган ишлар эътиборга лойик.

Республика касба уюшмалари ҳамкорлигида 2005-2007 йилларда мўлжалланган меҳнат, ижти-

моий-иқтисодий масалалар бўйича ҳудудий шерикчилик битимида ислохотларни янада чуқурлаштириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва соғлигини муҳофазалаш, меҳнат қонунларига риоя этиш, амалдаги қонунлар ижросини таъминлаш бўйича қатор мажбуриятлар кенг қамраб олинган.

Эндиликда ижтимоий шерикчиликнинг асосий механизми бўлган жамоа шартномаларини қабул қилишга нафақат касба уюшмаларининг, балки иш берувчиларнинг ҳам тобора қизиқини ортаётди. Бир мисол. Илгари республикада 1235 та бошланғич касба уюшма ташкилотлари мажмуи эди. Жамоа шартномаларининг ҳам иш берувчи, ҳам ишловчи учун афзаллиги турфайли жорий йил бошидан у яна 100 та қўлайди.

(Давоми 2-бетда)

## «БОН ЖИНС ПЛЮС» ЛИБОСЛАРИ

Сирдарё вилоятининг Оқолтин туманидаги «Карьера» қўшма қорхонаси молиявий қийинчиликлар туфайли фаолиятини тўхтатган эди. Ўтган йили тадбиркор Дилфўза Абдурахмонованинг сарф-харакати натижасида бир пайтлар маҳсулотлари билан танилган қорхонада яна жонланиш юз берди. Бугунги кунда «Бон жинс плюс» номини олган, ўндан зиёд иш ўрни яратилган хусусий фирмада пишиқ ва харидорнинг мато - жинсидан замонавий дизайндаги бежирин либослар тикилмоқда.

Фақат эркак ва аёллар жинси шимлари, болалар курткаларини тикиш билан чекланиб қолмай, ташкилот ва тадбиркорлардан тушган буортмаларни ҳам бажармоқдамиз, - дейди фирма раҳбари Д.Абдурахмонов. - Қорхонамизда тикилаётган ишчи қоржомалари шулар жумласидандир. Қисқа вақт ичида «Бон жинс плюс» турт ярим миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, истеъмол бозорига муносиб ўрин топишга улғурди. Бу эса қорхонада яратилган шарт-шароитлардан унумли фой-

## Хабарлар оқимидан

даланаётган қўли гул чеварларини янада самарали меҳнат қилишга ундамоқда.

## «ОСИЁ-БУХОРО» МЕҲМОНЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ

Бухоро шаҳрида шу номдаги хусусий меҳмонхона очилди. Қўшқаватли иморатнинг ташки қийфаси қадимий обидаларга уйғун, ички безакларда миллийлик акс этган. Фойе, йўлак ва ресторон деворларига эса атлас матолар жило бериб турган.

«Марко Поло» компанияси бюортмасига кўра «2-вилоят жамоа қурилиш» уюшмаси бинокорлари бир йил мuddатда барпо этган «Осиё- Бухоро» энг сарғ меҳмонхоналарга хос қўлайликлари билан миқжозларга, айниқса, хориқлик сайёҳларга манзур бўлиши шубҳасиз.

Ушбу қарийб 100 ўринли хусусий меҳмонхонанинг жамоатчилик вақиллари иштороқда тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Ислом КАРИМОВ:

«Ҳомийлик фақат ўз бойлигидан бир қисмини хайр-эҳсон учун ажратиш эмас. Бу закот ҳам эмас, садақа бериш ҳам эмас.

Ҳомийликни биз инсон қалби ва юрагидаги энг эзгу туйғуларнинг амалий ифодаси деб биламиз».

КАСАБА УЮШМАЛАРИ
Ҳомийлар ва шифокорлар йилида
Қорақалпоғистон

ШЕРИКЧИЛИК ТАМОЙИЛИ ОРҚАЛИ
Муаммолар ечимини топмоқда

(Боши 1-бетда)

Узаро келишув ва жамоа шартномаларида кўзда тутилган бандлар аниқ мақсадлар сари йўналтирилмоқда. Хусусан, 2 ёшдан 3 ёшгача фарзандлари бор 578 нафар оналарга 6870.4 минг сўм тўланди, ишловчи 179 нафар аёлларнинг туғишгача ва туғишдан кейинги ҳақ тўланадиган таътиллари узайтирилди. Кам таъминланган, кўп болали оилалар, ногирон ва байналмилалчи, уруш қатнашчиларига кўрсатилган тиббий хизмат ва дори-дармонлар учун 12495.7 минг сўм маблағ сарфланди. Ушбу рақамларни мисол тариқасида келтиришимиз боиси бор: авваллари ишлаб чиқариш ташкилотларининг касабаси уюшмалари билан ҳамкорлиги яхши шакланмагани ва айрим иш берувчиларнинг ўзлари ҳали меҳнатга оид қонунларни пухта ўзлаштирмагани сабабли турли низола-рлар мавжуд эди. Айни вақтда жамоа шартномасига тўлиқ амал қилинаётганлиги сабабли ушбу ҳамжиқликлар барҳам топаяпти.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ҳар йили ижтимоий масалаларни кенг шакллантириш мақсадида дастурлар ишлаб чиқилади. Ҳомийлар ва шифокорлар йили ҳам ана шу сайё-ҳаракатларнинг мантйқий давомидир. Касаба уюшмалари Қорақалпоғистон Республикаси бирлашмаси мутасаддилари ҳукумат сайё-ҳаракатларини ҳаётга татбиқ этиш борасида алоҳида иш дастурига эга. Жорий йилнинг дастлабки ойларида масалага жиддий ёндашилди, кам таъминланган, қарамонда ҳеч қимий йўқ ва ногиронлар ижтимоий ҳимояга олинган. Меҳнат жамоалари ва ишлаб чиқариш ташкилотларида жамоа шартномаси ижроси назоратга олиниб, тахлиллар ўтказилмоқда ва ҳомий ташкилотлар жалб этилаётди. Хусусан, касабаси уюшмаси тармоқлари билан биргаликда одамлар соғлигини тиклаш мақсадида шу кунгача 242 нафар кишига йўланмалар ажратилди. Саққиз нафар кишига эса касабаси уюшмаси билан бепул йўланмалар берилди. Шунингдек, байрам ва тадбирларда касабаси уюшмаси то-

монидан ҳомийлик ишлари амалга оширилади. Бир миллион Кам таъминланган ва меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига ўтган уч ой оралиғида 61 миллион 253 минг сўмлик хайр-эҳсон ёрдами кўрсатилиб, 390 нафар хотин-қизга тиббий кўриқдан ўтиши учун кўмаклашилди. Ана шу юмушларни рўйбга чиқаришимизда Республика касабаси уюшмалари Федерацияси кенгашининг IV қурултойи қарорлари дастуриламаларимиз бўлаётди. Бозор шароитида бугун айтилган ва режалаштирилган иш эртага талабга жавоб бера олмаслиги ҳам мумкин. Шу боис меҳнат жамоалари ва маъмуриятлар билан тузилган битимларда истиқболда амалга оширилиши лозим бўлган ҳамкорликларга ҳам эътибор қўйилмоқда. Зеро, ишлаб турган корхона ҳам эртага касабаси уюшмаси билан биргаликда ишловчилар билан мулоқотлар ўтказилмоқда.

Соғиндик НИЕТУЛЛАЕВ, Қорақалпоғистон Республикаси касабаси уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси аралашувисиз ҳал бўлмастлигини ҳис этиб, ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя этувчилар билан доимий ҳамкорликда бўлиб келишаётди. Ўтган даврда касабаси уюшмалари аралашуви билан суд органларида 7 та, прокуратурага 12 та, иш берувчиларга 14 та, ҳокимликларга 16 та тақдимнома киритилди ва барчаси ишловчилар фойдасига ҳал этилди. Шунга қарамай, меҳнат-қашлар ҳуқуқий билими айрим ҳолларда етарли даражада эмаслиги сезилиб қоляпти. Шу мақсадда меҳнат қончилиги, жамоа шартномаларини қабул қилиш ва меҳнатни муҳофазалаш масалалари бўйича ўқув-семинарлар ташкил этиб, туманларда, ишлаб чиқариш корхоналарида ишловчилар билан мулоқотлар ўтказилмоқда.

Ислохотлар қўйётган талабларнинг бош омили инсон манфаатини ҳимоялашга йўналган. Мустақиллик йилларида ҳукуматимиз сайё-ҳаракати билан бу борада кўплаб ишлар қилинди. Касаба уюшмалари ташкилотлари ҳам бу даврда одамлар ижтимоий-иқтисодий шароитини яхшилашга, улар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоялаб, меҳнатни муҳофазалашга ҳамда янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратиб келяётди.

Қорақалпоғистон Республикаси ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноти ва геология ходимлари касабаси уюшмаси вакилиги тармоқдаги ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнатни ташкил этиш ва одамларни ижтимоий ҳимоялаш ҳамда янги иш ўринлари барпо этиб, аҳолининг кам таъминланган қисмининг моддий қўллаш ишларини асосий дастуриламаларига айлантирган. Айниқса, Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгашининг IV қурултойидан сўнг бу каби юмушларни янада жонлан-тиришга эътибор қўйилмоқда. Ушбу вазифаларни бекам куёт рўйбга чиқаришда ва меҳнат ахлига кўнгилда-гидек иш шариоитлари яратиб, уларни ҳуқуқий муҳофазалашга ёқилғи-энергетика корхоналари, шу жумладан, «Қорақалпоқэлектр-тармоқлари», «Тахиятош» электр станцияси, Қўнғирот УЭРБ, «Тахиятошнефт» унитар корхоналари сайё-ҳаракатлари диққатга сазовор.

сўмлик ёрдам кўрсатишди. Тармоқ корхоналари ишлаб чиқаришни жаддалаштириб, Ҳомийлар ва шифокорлар йилида ҳам мазкур ишларни кенг шакллантиришаётди. Чунки, кўп болали ва кам таъминланган хонадонлардан 244 тасига 4 миллион 587.2 минг сўм, Тахиятош-

фар ишчининг саломатлигини муҳофазалаб, ажратилган йўланмаларнинг 50 фоизини касабаси уюшмалари ҳисобидан қолади. Ваҳоланки, ана шу корхоналарда бир пайтлар кўп бўлса бир ёки икки нафар киши соғломлаштирилди, холос. Бунинг асосий сабаби биринчи навбатда ишлаб чиқаришнинг тўғри шакллантирилиши бўлди, иккинчидан, меҳнатга муносабатнинг ўзгаргани ва ишчилар моддий манфаати ошаётганидандир. Бу шуларни рўйбга чиқишида жамоа шартномалари асосий ўрни тутаётди. Яқинда тармоқдаги икки корхона хайрли ташаббус билан чиқиди. «Тахиятош-нефтбазаси» бир нафар ногирон болани ҳамда 20 нафар нурунлини оталиққа олди. «Қорақалпоқэлектр-тармоқлари» корхонаси эса Шўжайли туманидаги болалар уйига 780 минг сўм маблағ ажратди. Сейтмурат БЕКИМБЕТОВ, Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноти ва геология ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгашининг Қорақалпоғистон Республикасидаги вакили

ЭНЕРГЕТИКЛАР
ҲИММАТИ

Мазкур ишлаб чиқариш ташкилотларида бир неча йиллардан бунён жамоа шартномаси ва ички меҳнат тартиби қоидалари бандлари касабаси уюшмалари ҳамкорлигида амалга оширилганлиги боис ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар содир бўлмади. Шунингдек, ишчиларни ҳимоялаш, оилак машоарда узилишлар бўлмастлиги ҳам доимий эътиборда. Мухими, ташкилотлар ишлаб чиқаришда банд бўлган, шу жойлардан нафақага чиқиб кетган кишилар ва кам таъминланган оилаларга ғамхўрлик қилишни унуттирмаётди. Масалан, ўтган даврда ишчиларга моддий ёрдам сифатида 11056.4 минг сўм сарфланган бўлса, хайрия ишлари учун биргина энергетика корхоналари 3719.2 минг

даги ногирон болалар уйига 287 минг сўм маблағ ажратилди. Маълумки, Оролбўйи минтақаси аҳолисига кейинги даврда ҳукумат томонидан кўп имтиёзлар яратилмоқда. Уни рўйбга чиқариш ва инсонга наф келтиришда касабаси уюшмалари зиммасида катта масъулият ётади. Шу боисдан инсон саломатлигини муҳофазалашга эътибор янада қўйилмоқда, жойларда турли тадбирлар, спорт мусобақалари ўтказилаётди. Бундан ташқари, тармоқ касабаси уюшмалари қурултойида таъкидланганидек, ишчиларни соғломлаштиришга катта аҳамият қаратган. Айтилик, шу кунгача Қўнғирот УЭРБ, Қорақалпоқ ПЭС, Тахиятош ТЭС, Қўнғирот УЭП, «Устюртгаз» каби корхоналар 96 на-

СОҒЛОМ ИНСОН
ҲАР ИШГА ҚОДИР

Умид билан идорасига ёрдам сўраб келиб, сўнг ҳавфсизлик пир бўлиб кетаётган кишининг ҳолатини тасаввур қилиш ўнчалик қийин эмас. Афсуски, бир вақтлар бундай воқеалар одатий ҳолга айланганди. Кечая кундус фарзандларимиз эртасини ўйлаб захмат чеккан мураббийга соғлигини тиклаб олиши учун бир донга йўланма ажратиш масаласи муаммо бўлгани рост.

Аммо давр ўзгарди. Республикаимиз Президентининг биринчи Фармони ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоялашга қаратилганлигини кўпчилик яхши эслайди. Бу бежиз эмас эди, албатта. Чунки дехқон экан ниҳол бир йилда бўйласа, муаллимники эса йигирма йилда ҳосилга киради. Шу боис Қорақалпоғистон Республикасида мустақиллик йилларида таълимни ривожлантириш бориб, соҳада банд бўлган ишловчиларни ижтимоий ва иқтисодий ҳимоялаш ҳамда уларга етарли шароитлар яратиш беришга алоҳида аҳамият қаратилаётди. Кўплаб эҳтиёжман ўқитувчилар кейинги йиллар оралиғида уй-жой ва ер-участкаси билан таъминланди. Ҳар мавсумда 200 нафардан зиёд киши саломатликларини тиклаб олиши учун маҳаллий ва пойтахтдаги сыхатгоҳларга юборилапти. Шунингдек, илгор мураббийларнинг бир соатлик дарс ўтиш услуби омалаштириляпти. Касаба уюшмаси ва ҳомийлар томонидан илгорларни рағбатлантириш ҳамда ёш ўқитувчиларга амалий ёрдам бериш аънанаси шаклланди. Албатта, келажакдаги эгаларнинг рисоладагидек камол топишида ўз умрини бахшийда қилаётган муаллимларга қанча хизмат қилсақ-да озлик қилади.

Узбекистон Республикаси касабаси уюшмалари Федерациясининг IV қурултойида кўндаланг қўйилган долзарб масалалар таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси мутасаддилари олдига ҳам хавли қилиниши лозим бўлган бир талай юмушлар бисёр эканлигини кўрсатди. Ана шундан келиб чиқиб, йил бошидан 15 та туман, 2 та шаҳар, халқ таълими бўлимлари, 73 та ўрта махсус касб-хунар коллежлари, 2 та олий ўқув юрти, 9 та республика миқёсидаги таълим идоралари ўртасида ҳамкорлик шартномалари қабул қилиниб, 70 минг нафардан зиёд ходимлар манфаати қамраб олинди. Қабул қилинган дастурда ишловчилар қаторида нафақахўрларни ҳам ижтимоий ҳимоялашга эътибор қаратилган. Уларни санитарий-профилактик ороғломлаштириш



Тўртқул туман нефт маҳсулотлари унитар корхонаси «Қоратоғ» филиалида миқозларга намунали хизмат кўрсатилмоқда. Айниқса, ҳозирги экин-тикин мавсумида фермер хўжаликлари техникларини ёқилғи билан таъминлаш бўйича тузилган шартномалар ўз вақтида бажарилмоқда. Корхонада ишчи-хизматчиларга қулай меҳнат шароити яратилган. Улар махсус кийим-бош билан тўлиқ таъминланган. Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш борасида зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Икром ҲАСАНОВ олган сурат



Қорақалпоғистон замини ер ости ва ер усти бойликларига мўл ҳудудлардан. Аммо Орол денгизининг йил сайин қуриб, табиий иқлимнинг ўзгариб бораётгани кишлоқ хўжалигида банд бўлганлар ишига жиддий пўтур етказаяпти. Шунинг учун бу заминда республикамиздаги бошқа ҳудудларга нисбатан икки-уч хисса кўп меҳнат талаб этади. Масалан, қузда пўшта олиб, шўр ювилиши керак, экин олдидан эса ер сурилиб, сўнг пўшта олинди ва баракка уруғи қаддалди. Ана шу юмушлар вақтида оби-тобида амалга оширилмас, қутилган ҳосил бой берилди, девявнинг.

Сўнгги йилларда минтақадаги аҳвол ҳукуматимиз томонидан чўқур тахлил этилиб, катта маблағ ажратилди ва бир қатор имтиёзлар берилди. Эндликда қоралқоқ дехқонининг ишлақ деса ёри бор. Замин захматқашлари соҳада ислохотларни жаддалаштира бориб, янги технология ва илгор тажрибаларни ишлаб чиқаришга қўллаб, кам бўлишмаяпти. Фалла ва пахта етиштиришда ҳосилдорлик тўқсончи йилларга нисбатан 10 — 15 фоизга, рентабеллик даражаси ҳам шунчага ортиб бораётди.

Айниқса, мавжуд ширкатлар негизда фермер хўжаликлари тузилиб, экин майдонлари мўлдорлар ихтиёрига берилган, ишлаб чиқаришда кўнгилдагидек натижаларга эришиш қаторида ишловчилар манфаатдорлигини оширишга ҳам имкон туғилди. Айни вақтда ҳар бир фермер билан касабаси уюшмалари туман вакилликлари истиқболли шартномалар тузиб, ишловчиларга қулай шарт-шароитлар яратилаётди. Ҳар бир ишловчи фермерликка ўтгандан кейин анча кўтарилиди. Бу ширкармонликнинг қарор топганлиги ва ўзаро тузилган битимлар бандига оғишмай амал қилинишининг натижасидир.

Агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси кенгаши Кишлоқ хўжалиги вазирилик ва тегишли мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида меҳнатқашларни яхшироқ тартибга солишга алоҳида эътибор қаратилади. Айни вақтда баҳор келиб, дала юмушлари бошланиб кетди. Ҳадемай заминга баракка уруғи тушади. Шу боис жамоа шартномаларидаги келишув бўйича фермерлар билан ҳамкор-

Одамлар саломатлиги ҳақида ғамхўрлик қилиш касабаси уюшмаларининг ҳаммаси диққат марказида. Бу борада қатор йиллардан бунён турли соҳаларда, касб-хунар коллежлари ўртасида ва маҳалла, овулларда соғломлаштиришга йўналтирилган спартакиадалар ўтказилиши аънанавий тўс олган.

ЭНГ КАТТА БОЙЛИК
авайлаб-асрашни тақозо этади

Масалан, таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси ўтказган спортнинг беш тури бўйича мусобақада Нукус транспорт касб-хунар коллежи талабалари барча шартларни удаллаб, биринчи ўринни эгаллаган бўлса, Ерқиндарё кишлоқ хўжалиги ва Шортанбой касб-хунар коллежлари ёшлари ҳам тенгдошларидан ортада қолмасликларини кўрсатишди. Ғолибларга кенаш томонидан 1 миллион 700 минг сўмлик қимматбаҳо совғалар улашилди.

«Соғлом оила» шiori остида старт олаётган спорт мусобақалари эса янада ҳаяжонли ва қизиқарли ўтаётди. Дастлаб кўпчилик хонадонлардагилар бунга ўнчалик эътибор беришмасди. Бироқ кейинги вақтларда одамларнинг спортга қизиқиши ортаётганини мана бу кўрсаткичдан ҳам англаб олиш мумкин. Айтилик тўрт йил аввал мусобақада бор-йўғи 40 — 50 нафар киши иштирок этган бўлса, яқинда шу йўналиш бўйича ўтказилган биринчиликда 300 нафардан зиёд спортчи қатнашди ва ўз маҳоратларини намойиш этишди. Айниқса, чекка кишлоқ ва овулларда спортни ривожлантиришга эътибор қўйилмоқда. Тармоқлардаги корхона ва ташкилотлар ҳисобидан ўтган даврда 20 дан зиёд мактабларда спорт заллари қурилиб, зарур жиҳозлар билан таъминланди. Бунинг натижасида кейинги пайтда республика ва бошқа жойларда ўтказилаётган халқаро миқёсдаги мусобақаларда қорақалпоғистонлик спортчилар ҳам фаол иштирок этишиб, муносоиб ўринларни эгаллаб келишаётди.

Спорт ва оммавий тадбирларнинг доимий равишда ўтказилиши таъминланганлиги боис, болалар ва ёшлар ўртасида тез-тез учраб турадиган турли хасталиклар эллик физига камайди. Бу касабаси уюшмаси зиммасида соҳага оид ишларни янада жонлантиришни тақозо этаётди. Зеро, бу юртнинг кураги ер қўрмаган полвонлари, аллоқмат йигитлари-ю, Барчиноий сингари қизлари кўп бўлган. Бугунги ёшлар ана шуларнинг издошлари бўлишига эришишимиз лозим.



Даврберган КЕНИСБЕКОВ, касабаси уюшмаси фахрийси

мақсадида касабаси уюшмаси ҳисобидан 26 та йўланма ажратилди. Шунингдек, кам таъминланган, ёрдамга муҳтожлар фарзандларидан 218 нафарига ҳомийлик мадади кўрсатилди. Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар саломатлиги ҳақида қайғуриш ҳар биримизнинг бурчимиз. Зеро, бугунги ёшлар ворисларимиз, келажакимиздир. Шу сабабли касабаси уюшмаси бу борада қатор тадбирлар ишлаб чиққан. Ўтган уч ой оралиғида бир қатор ишлар ҳам амалга оширилди. Чунки, меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига 375 минг сўмлик қимматбаҳо совғалар, 500 минг сўмлик кийим-кечак, қулоғи оғир эшитувчи интернат тарбияланувчиларига эса 200 минг сўмлик махсус ўқув қуроллари олиб берилди.

Тармоқ ходимларининг саломатлигини муостаҳкамлашда жисмоний тарбия ва спорт асосий ўрин тутаётди. Хусусан, шаҳар ва туманларда касабаси уюшмаси ташаббуслари билан спартакиадалар уюштирилади. Масалан, таътил ва мураббийларнинг бўш вақтлари мазмунли ўтиши учун Нукус шаҳрининг дам олиш масканида жойлашган «Жас аулад» болалар оромгоҳида спортнинг беш тури бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Хотин-қизлар ва оилавий гуруҳлар ўртасида ўтказилган мусобақада таълим ва фан муассасаларидан 80 дан ортиқ гуруҳлар аъзолари иштирок этиб, Тахиятош шаҳри, Нукус шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси давлат университети жамоалари ғолиб бўлишди. Бир сўз билан айтганда, бу каби тадбирларнинг уюштириб борилаётгани тармоқдагилар саломатлигини муҳофазалашга ва улар руҳини кўтаришга хизмат қилаётди. Ҳомийлар ва шифокорлар йилида режалаштирилган ишлар жуда кўп. Мухими, уларни рўйбга чиқариш ҳам етарлича. Бибиойим ЮСУПОВА, Қорақалпоғистон Республикаси таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси кенгаши раиси

деҳқон меҳнати ҳамиша эътиборда



МАВСУМ СУСТАШЛИКНИ ХУШЛАМАЙДИ

Уқувчи-ёшларнинг таътил давларида ёғи дам олишларини таъминлаш масаласи касабаси уюшмаларининг диққат-эътиборида. Бу соҳада Қорақалпоғистонда анча-мунча тажриба тўпланган. Хусусан, тармоқлар шаҳардан ташқаридаги ва мактаблар қошидаги оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш ишларига йил бошидан ҳуждий киришган. Республика ҳукуматининг шу соҳага йўналтирилган қарорига қўра ҳар йили ёз ойларида ҳудуддаги кам таъминланган, боқувчиларни йўқотган ва вақтинчалик ногирон, деб топилган ёшлар Тошкент, Наманган ва Фарғона каби вилоятлардаги сўлим оромгоҳларда соғлиқларини тиклаб, марқоли ҳордиқ чиқаришлари таъминланаётди. Бундан ташқари, ҳудуд тасарруфи-

даги 20 та шаҳар атрофи ҳамда 10 та мактаблар қошидаги оромгоҳларда ҳам меҳнатқашларнинг 6900 нафарга яқин фарзандлари таътил даврида кўнгилдагидек дам олишларига барча қулайликлар яратилган. Жорий йил мавсумининг бошланишига ҳали анча вақт бор. Шунга қарамай, касабаси уюшмалари корхона-ташкilotлар ҳамкорлигида оромгоҳларни обдонлаштириш ишларини бошлаб юборди. Дам олиш хоналари, спорт иншоотлари, ошхона, кутубхоналар таъминланаётди. Кутубхоналарга болалар адабиёти ҳамда бандий китоблар тўплами олиб келиняпти. Ҳокимликлар ва «Маҳалла» жағмармаси бўлимлари ҳамкорлигида оромгоҳлар- ни маблағ билан таъминлаш масаласи бўйича келишиб олинди. Ҳўжайли туманидаги «Ден саулик» ва Беруний туманидаги «Табассум» номли оромгоҳлар улар сайё-ҳаракати билан қайта тартибга келтириляпти. Шунингдек, полнзчилик, мевасазавот ҳамда чорвачиликка икти-соллашган фермер хўжалиқлари билан озик-овқат маҳсулотлари етказиб бериш бўйича шартномалар тузиб олинди. Мавсумда ажратилаётган йўланмаларнинг асосий қисми касабаси уюшмалари ҳисобидан қопланади. Бундан ташқари, касабаси уюшмаси ташаббуси билан меҳрибонлик уйида тарбияланаётган 90 нафар ўғил-қизлар бепул соғломлаштирилади. Олиб борилаётган сайё-ҳаракатлар мавсумининг кўнгилдагидек ўтишини таъминлашга шўбҳа йўқ. Шўхрух ҚОДИРОВА, касабаси уюшмаси аъзоси

Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига

ЮЛДУЗЛАР АРО ПОРЛАГАН ҚУЁШ

Боши 1-бетда

Яқинда ушбу мунаввар даргоҳда музей ташкил этилганининг ўн йиллигига бағишланган...

ри ташкил этади. Экспонатларни жойлаштириш учун эса 1030 квадрат метр майдон ажратилган.

до алоқаларининг ривожланиши, Амир Темурнинг буюк бунёдкорлик фаолияти ўз аксини топган.

Соҳибқирон Амир Темур бобомиз ҳақида гап кетганда беихтиёр кўнглимиз фахр-ифтихорга тўлади.

БУЮК СУЛОЛА

лумки, дунёда узоқ ҳукм сургун сулолалар кўп бўлган. Бироқ улар орасида салкам беш аср ҳукмронлик қилган жуда оз.

Уларнинг аксарияти ўз даврининг мўътабар, маънавий ятли зотлар саналган, яна 70 фоизи нозиктаб шоир бўлишган.

ҳон меъморчилигида асосий ўрин эгаллайди. Ҳа, соҳибқирон бобомиз бизнинг ўлмас тарихимиз. Президентимиз айтганларидек, кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, умумбашариёт ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамочки бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак.

Маҳбуба ҚОДИРОВА

ФАХРИМИЗ, ҒУРУРИМИЗ

катта таассурот қолдирди. Шунингдек, «Ўзбекстонда ёзув маданияти тарихи», «Шоҳруҳия — қалъа шаҳар», «Хориждаги меросимиз», «Амир Темур — Клавико — Самарқанд», «Амир Темур ҳаётидан лавҳалар» каби кўргазмалар ҳам тadbир иш-тироқчиларида катта қизиқиш уйғотди.

лаҳза юрагингда гурур уйғотади, буюк инсоннинг вориси эканлигини ҳис қилиб гурурланиб кетасан.

тарихимиз илдизлари нақадар чуқурлиги ва унинг инсоний тақдирда муҳим рол ўйнаганлиги ҳақида ёрқин таассурот уйғотади.



АМИР ТЕМУР

Президентимизнинг «Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан 2006 йилда буюк давлат арбоби ва улкан саркарда, миллий давлатчилигимиз асосчиларидан бири соҳибқирон Амир Темур таваллудига 670 йил тўлиши муносабати билан, бу санани нишонлаш бўйича тайёргарлик ишлари Қарши шаҳрининг юбилей тадбирлари билан уйғун ҳолда олиб борилиши таъкидланган.

Шу кунларда халқимиз кўшалок юбилейни муносиб нишонлаш тарафидан билан яшамокда. Кутлуғ тўй олдида юртимизнинг қадимий давлатчилик маданияти тарихи, Амир Темур ва темирлар ҳаёти ва фаолиятига доир осори-атикалар кенг тадқиқ қилинаётган.

лашидан сўнг 1385-1386 йилларда Чорсу, Одина жомеъ масжиди ва Амирий ҳаммоми бунёд этилган. Қалъа атрофи хандақлар билан ўралиб, унинг устидан кўтарма кўприклар, мудофаа деворлари қурилган. Буюк жаҳонгир бошчилигида бозорлар, карвонсаройлар, роботлар, жаннатмакон

саройнинг майдони 16 гектарни эгаллаган. Тўрт томонда Қарши, Чоржўй, Бухоро, Самарқанд дарвозалари бўлган. Асрлар ўтиши билан паҳса деворлар қулаб, харобалар ўрнида томонлари 75-70 метрли, баландлиги 2-2,5 метрли ясси тепалик вужудга келган.

ҚАДИМИЙ ЁДГОРЛИКЛАР СИРИ

Бобоклонимиз мўғуллар истилоси даврида вайрон қилинган Бухоро, Термиз, Тошкент, Ахсиқент, Бинокент, Утроқ каби шаҳарлар қаторида Қаршини қайта тиклашга алоҳида эътибор қаратади.

«Боғи Гулшан» бунёд этилган. Муस्ताҳкам давлатни вужудга келтириш учун долғали кунларда улуг саркарда ўзи қурдирган Қусам Шайх хонақосида пири қомили Шамсиддин Қулол Фахуррийдан давлатпаноҳликка фатво (душосини) олиб, катта юришларга олтанган, буюк салтанат қуриш учун курашларда муроди ҳосил бўлган.

нинг Эронда эканлигидан фойдаланган, Олтин Урда ҳукмдори Тўхтамиш Амир Темурга хиёнат қилиб Мовароуннаҳрга бостириб киради. Ушлаб шаҳар ва қишлоқларни талайди, вайронга айлантиради.

...Узоқ вақтлар узилиб қолган «Ренессанс» — уйғониб даврининг тикланишида Соҳибқирон — Амир Темурнинг ўзига хос хизматлари бор. Ана шу даврда инсоний-маънавий қадриятлар яна қадр топа бошлади.

ҒУЗАЛОЛАРГА ЭҲТИРОМ

Дарҳақиқат, Мавлоно Абдуҷаббор Хоразмий, Мавлоно Шамсуддин Мунший, Мавлоно Абдулло Лисон, Мавлоно Бадридин Аҳмад, Мавлоно Нўмониддин Хоразмий, Хожа Афзал, Мавлоно Алоуддин Қоший, Жалол Хокийлар Темур марҳаматидан баҳра олиб, унинг хизматидан бўлганлар.

қилиши учун барча қулайликларни муҳайё этади. Илм-фанга, маърифатга эътибор боис кўпгина олимлар Самарқандга боришни ўзлари учун шараф, деб билишган.

БИР ҲОВУЧ ГАВҲАР

- \* Бир кунлик адолат — юз кунлик тоат-ибодатдан афзал. \* Адлу эҳсон билан ҳақон гулшани обод бўлади. \* Лочининг учарга мадори келмаса, чумчуққа масҳара. \* Шер йигитни номус ўлдирар. \* Ёзилган нарса авлодлар хотирасида қилинган ишдан ҳам узоқроқ яшайди. \* Адоват эмас — адолат энгади. \* Аввал йўлдош — кейин йўл. \* Бўлар одам ёшида бов бўлар, бўлмас одам қирқда ҳам бўш бўлар.

- \* Вақт ўтгандан кейин қилчани тошга чоп. \* Душмanning кулгани — сиринги билгани. \* Душмандан қўрқма, мунофиқдан қўрқ. \* Қилч ўткир бўлса-да, ўз сопини кесмағай. \* Қонни қон билан эмас, сув билан ювишни ўрган. \* Энг баланд минора ҳам ердан кўтарилгай. \* Яхши одам юрт тузар, ёмон одам юрт бузар.



АМИР ТЕМУР

«БИЗКИМ, МУЛКИ ТУРОН...»

Аждодлар хотирасини ёд этмок, мозийга ҳақиқат назари билан боқмок Ватанимиз тарихи, қолаверса, мустақил юрт келажак бўлиши авлодларнинг беэавол камолоти йўлидаги инсоний бурчимиздир.

Соҳибқирон пул-молия сиёсатида, асосан, тўрт муҳим тамойилга амал қилган. Пул сиёсатида давлатнинг иқтисодий асосининг муҳим белгиси сифатида қараган.

Соҳибқирон пул-молия сиёсатида, асосан, тўрт муҳим тамойилга амал қилган. Пул сиёсатида давлатнинг иқтисодий асосининг муҳим белгиси сифатида қараган.

Бу дунёдан маликалар, улуг аёллар кўп ўтган. Улар орасида Сароймулкхонимнинг алоҳида ўрни бор. Ҳар томонлама баркамол ва гўзал бўлган Сароймулкхоним Чигатой улусига мансуб Қозонхоннинг қизи. Соҳибқирон Бибиқонимни ўз никоҳига қилтирар «Кўрагон» унвонига мушарраф бўлган. Малика Сароймулкхоним Амир Темур никоҳига киргунча ҳам унинг ҳарамиде бошқа хотинлари бўлган. Аммо асосда Сароймулкхоним маликалар улуги «Бибиқоним» номига сазовор бўлган. Бу унвон унга фақат хонинг қизи бўлгани учун эмас, балки ақл-заковати, донолиги, қолаверса, юксак фазилатлар соҳибаси эканлиги учун берилган.

ЮКСАК ТАДБИР ЭГАСИ

Соҳибқирон ҳатто ўзи пиёда, Бибиқонимни отда олиб юрган. Ҳарбий юришларда у Амир Темурга кўпинча ҳамроҳлик қилган. Сароймулкхоним салтанатни бошқаришда вужудга келган кўплаб муаммоларни ҳал этишда ўзининг оқилона маслаҳати билан Амир Темурнинг ёнида турган. Бу ҳақиқат тарихий манбаларда ўз аксини топган.

Соҳибқирон Амир Темур Марказий Осиё ва унга қўшни бўлган юртларни бирлаштириб, феодал тарқоқликка барҳам бергач, Самарқандга тасарруф этилган барча минтақа ва вилоятлардан маъшур олим ва унармандларни тўплай бошлаган. IX — X асрларда бўлгани каби ислом дунёсининг илмий марказлари сифатида танилган Хоразм, Бухоро ва Бағдоддаги «Байт ул-Хикма» илмий мактаблари аъёналарини Самарқандда тиклаш унинг асосий максоди ҳисобланган. Шунинг учун у турли бурчаклардан Самарқандга келган олимларга ижод

Гулсарвар РАҲУПОВА, Тошкент Молия институты талабаси

Туғанмас хазина

Пирн бадавлатларимизнинг турмуш синовларидан тобланиб чиккан ҳаётий тажрибалари фарзандлар йўлини брита...

Ушбу нақдда ҳам олам-олам маъно муҳасам. «Бариси бор» жумласида энг аввало қарияларимизнинг донишмандлиги, фаросат билан иш тутуши, уларнинг пайд-насиҳатлари...

«ҚАРИСИ БОР УЙНИНГ БАРИСИ БОР»

та, ҳислат бекиёсдир. Улар беш бўлган ва маслаҳат солган ҳар қанақа иш шарофатли яқунлади. «Кенгашли туй тарқамас» деганларидек ана шу «кенгаш»лар тўрида қарияларимиз ҳаёт қозонида қайнаб, турмуш синовларида тобланганлар. Ҳаёт имтиҳонлари уларнинг ақлини пешлаган, фикрларини чархлаган.

Донишмандларимиздан Хусрав Дехлавий бу борада шундай деган: «Еш ҳар қанақа бўлсин ишда гайратли, Кўп кўрган кенгашнинг иши ибратли».

Кексалардан ибрат олинса, уларга эргашилса, оқибати яхшиликдир. Кексалар тажрибаси билан ёшлар гайрати жамланса, ҳаёлга келмаган муваффақиятлар кўлга киритилади. Шунинг учун ҳам уларни бебаҳо донатимиз, деб улуғлаймиз.

Қариялар хурматини жойига қўйиш ҳам қарз, ҳам фарзидир. Кексалик ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Тангри ато қилганларини умрининг бу фаслига қадам қўяди. Бобомолларимиз бизга мустаҳкам тиргак бўлишлари билан бирга бир оғиз ширин сўзимиз улар қалбига қанчалар қувонч улашинини тушунавермаймиз.

Кексага кўпмас бор — суялган тоғий, Бунга тушмас қариган чойғей.

Кекса ақл тажрибаси асосида амалга оширилган ишлар ҳаммаса фойда, яхшилик келтирганлиги ҳаётда кўп бора исботланган. Бундай тадбиркорлик ила ақл ғишларидан қурилган «иморат»ларнинг замири қўлчилди. Ҳафачилигимизда биринчи дарҳақ, ғамимизни энгиллаштирувчи мададкорлар улар.

Улуғ аллома Носир Хусрав таъкидлаганидек: Тугтил қарияларнинг қаттиқроқ қўлига, Қарияга биурсан қарилғи йўлига.

Кексалар хизматига белимизни боғласак дилимиз равшанлашади, кайфиятимиз чоғ бўлиб, ички мамнуниятлик ҳисси бутун борлигимизни чулба олади. Шарҳ донишмандларидан Фаридиддин Аттормидан тўкилган ушбу пурмаъно сатрлар фикримизнинг яққол исботидир: Кексаларни этсанг азиз-у хурмат Сени ҳам кексайган этилар иззат.

«Қариялар кенгаши», «Оқсоқоллар мажлислари» маҳаллаларда кўплаб савобли ишларда бош-қош бўлаётганлиги эса янада аҳамиятлидир. Кексалар, нафақат тўғри маслаҳатчи, балки ўзларининг ибратли томонлари билан ёшларга ўрнак ҳисобланади. Улардаги инсоф, диёнат, фаросат, ҳокисорлик, покизалик, биронинг ҳақидан ҳазар қилиш каби фазилатлар кейинги авлодларга қимматли туҳфадир. Биз инсонийлик ҳислатлари деб номлаган ана шу тириклик зийнатлари қарияларимиз томонидан сайқаланиб, маъно ва мазмунга бойиб, одамзотнинг бебаҳо бойлигига айланган. Алломалардан бири кексалик одамзот учун айни ҳосил даври, деб бекорга айтмаган. Еш авлод шу мўл ҳосилдан кўп баҳраманд бўлса, шунча яхши. Ушбу ноёб ҳосилнинг бетақдор лаззатли мевалари танга роҳат, ақлга ақл, эзуликка эзулик қўшади. Ундан бутун ҳаёт мунававрашади. Фикр тиниклашиб, кўнгли губордан ювилади. Ёшимиз, сен кексани хурмат айта, Узинг ҳам қарийсан, ҳозирдан ўйла.

Донишманд Фаридиддин Аттормидан кўп қариб юрсин. Севимли шоиримиз Абдулла Орипов таъбири билан айтганда, «тириклик ҳам ярим ҳикматдир». Узоқ умр кўриб, қариб юрмоқлик эса улуғ ҳикматлар сирасига қиради. Узоқ умр кўриш ҳаваси, энг аввало, доимо қариялар хизматига бўлиш, уларнинг дуо-истакларига эришиш билан мустаҳобдир.

Мусокул УСМОНОВ, профессор

СЕРҚИРРА ИЛМИЙ МАРКАЗ

Бундан беш йил аввал Тошкентда республика саломатлик институти ўз фаолиятини бошлаган эди. Ўзбекистон Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги Фармони асосида ташкил топган бу илмий марказ шу ўтган давр ичида ҳар томонлама мустаҳкамланди, тадбирлар доираси янада кенгайди.

Соғлом турмуш тарзига амал қилиш, жисмонан ва руҳан тетик бўлишни таъминлашга қаратилган иш режалари ҳам изчил амалга оширилмоқда.

Жойларда институтини бир неча бўлим ва шохбачалари очилди. Республикада тажриба мактаблари ташкил топди. Тарғиботнинг интерактив усуллари ва коммуникация воситалари жорий қилинди. Юқумли касалликлар, зарарли одатларни олдини олиш тадбирлари белгиланди. «Шахсий гигиена ва санитария қоидалари», «Саломатлик алифбоси» деб номланган ўқув қўлнамалари босмага тайёрланди. Тиббиёт коллежлари учун эзилган «Соғлом турмуш тарзи» дарслиги чоп этилди.



ОЛИЙГОҲ ҚОШИДА СИҲАТТОҲ

Бухоро Озбек-овқат ва энгил саноят технологияси институти бирлашган касаб уюшма қўмитаси раиси Шукрулло Очидовни олийгоҳ қошидаги профилактика уюшмасида учратдик.

50 ўринли соғломлаштириш масканида 20 нафар киши меҳнат қилади. 9 та бошланғич, 37 та цех касаб уюшма ташкилотига бирлашган олийгоҳ касаб уюшма қўмитаси профилактика уюшмаси ширини тикламоқдалар. Бу ерда физиотерапия, нафас олиш йўллари даволаш, сув ваннаси сингари муолажалар мавжуд... Катта ҳамшира Малика Йгмова, физиотерапия ҳамшираси Хайитгул Раҳмонова, Гулбахор Атоевалар хизматидан таълим ходимлари мамнун.

Минг сўмлик хайрия ёрдами кўрсатилди. Профилактика уюшмасида таълим ходимлари ҳамда талабалар ўз соғлиқларини тикламоқдалар. Бу ерда физиотерапия, нафас олиш йўллари даволаш, сув ваннаси сингари муолажалар мавжуд... Катта ҳамшира Малика Йгмова, физиотерапия ҳамшираси Хайитгул Раҳмонова, Гулбахор Атоевалар хизматидан таълим ходимлари мамнун.



Яқинда Миср Араб республикасининг «Вади ал-жадид» миллий фольклор гуруҳи Тошкентга гастрол сафари билан ташриф бурди. Ушбу гуруҳ Миср Маданият ишлари вазирлиги тизимида ташкил топган бўлиб, Алвади ал-жадид вилоятининг расмий ижодий жамоаси ҳисобланади. Франция, Испания, Туркия, АҚШ ва барча Араб давлатларида ҳам миллий урф-одатлар ва анъаналар руҳидаги дастурларини намойиш этган. Жамоа бир неча халқаро ва маҳаллий тадбирлар соғириндори ҳамдир. Улар Ўзбекистон санъат музейи, Ўзбекистон Амалий санъат музейи, Ўзбекистон мусулмонлар идорасининг кутубхонаси, Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти, Теурийлар тарихи давлат музейида, А. Навоий номидаги Ўзбек давлат академик катта театри, Ўзбекистон давлат консерваториясида бўлиб, Фафур Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғида маҳаллий аҳолига катта концерт дастурини намойиш этдилар. Улар Тошкент давлат музыка театри жамоаси билан ҳамда Тошкент ислом Университети ва Тошкент давлат шарқшунослик институти талабалари билан учрашиб ўз концерт дастурини намойиш этдилар. Тошкент шаҳрини диққатга сазовор жойлари билан яқиндан танишдилар.

ТАШРИФ

Яқинда Миср Араб республикасининг «Вади ал-жадид» миллий фольклор гуруҳи Тошкентга гастрол сафари билан ташриф бурди. Ушбу гуруҳ Миср Маданият ишлари вазирлиги тизимида ташкил топган бўлиб, Алвади ал-жадид вилоятининг расмий ижодий жамоаси ҳисобланади. Франция, Испания, Туркия, АҚШ ва барча Араб давлатларида ҳам миллий урф-одатлар ва анъаналар руҳидаги дастурларини намойиш этган. Жамоа бир неча халқаро ва маҳаллий тадбирлар соғириндори ҳамдир. Улар Ўзбекистон санъат музейи, Ўзбекистон Амалий санъат музейи, Ўзбекистон мусулмонлар идорасининг кутубхонаси, Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти, Теурийлар тарихи давлат музейида, А. Навоий номидаги Ўзбек давлат академик катта театри, Ўзбекистон давлат консерваториясида бўлиб, Фафур Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғида маҳаллий аҳолига катта концерт дастурини намойиш этдилар. Улар Тошкент давлат музыка театри жамоаси билан ҳамда Тошкент ислом Университети ва Тошкент давлат шарқшунослик институти талабалари билан учрашиб ўз концерт дастурини намойиш этдилар. Тошкент шаҳрини диққатга сазовор жойлари билан яқиндан танишдилар.

Шавкат СУЛТОНОВ, «Ишонч» муҳбири

Спорт оламида

Бадиий гимнастика АЛИНА КАБАЕВА ҚАЙТДИ

Афина олимпиадаси чемпиони Алина Кабаева 13 — 16 апрел кунлари Звенигорскда ўтказиладиган Россия чемпионатида иштирок этади. Бу янгилик нафақат чемпионат ташкилотчиларини, шунингдек, бадиий гимнастика ихлосдорларини ҳам хушнуд этди.

Ярим йиллик танаффусдан сўнг Алина яна ғаламага қайтди. Март бошларида Москвада «Гран-при» босқичида қатнашиб, мутлоқ чемпионлиқни қўлга киритди. Сунгра эса Франциянинг Тье шаҳрида бўлган босқичда соғирини ўринини эгаллади. Россия биринчилиги нихоёсига етган у Болгариянинг Бургас шаҳрида ўтиши режалаштирилган «Гран-при» босқичида иштирок этиш учун тайёргарликни бошлаб юборди.

Алина ўзининг катта спортга қайтишини тажрибали мутахассис Ирина Винер номи билан боғламоқда.

Теннис БОШЛАНИШИ ЧАККИ ЭМАС

Амелия — Айленд теннис турнири Светлана Кузнецова учун муваффақиятли бошланди. У уч сет натижасига кўра шведиялик София Арвидссон устидан зафар кўчди. Навбатдаги босқичда унга Испания вакиласи Анабель Медина — Гарригес рўбарў бўлади.

Кейинги босқичда икки юртдош — Вера Звонарева ва Динара Сафина учрашадилар. Бу демакки, улардан бири мағлуб сифатида турнирни тарқ этишга мажбур бўлади.

БУ ҲАМ ОМАД-ДА!

Мария Шарапова Land Rover автомобил компанияси билан реклама шартномасига имзо чекди. Ушбу келишув россиялик теннисчиға йилга 2 миллион доллар даромад келтиради. Компания мат-

буот хизмати тарқатган хабарда айтилишича, Шарапова ёш, омадли, ҳаракатчан ва жуда машҳурдир.

Футбол РАДКЕВИЧ НИХОЯТ ҒАЛАБА НАШИДАСINI СУРДИ

Ўзбекистон терма жамоаси ҳимоячиси Владимир Радкевич ва унинг жамоаси — Екатеринбургнинг «Урал» клуби Россия биринчи дивизиони бахшларидан илк ғалабасини нишонлади. Бунинг учун «Урал» муҳлислари 11 кун куттишга мажбур бўлдилар.

«Урал» учинчи турда сафарда собиқ «Чкаловец», ҳозирги «Сибир» жамоасини қийинчилик билан бўлса-да мағлубиятга учратди — 2:1. Радкевич тўқсон дақиқа майдонда тўп сурди. У нафақат ҳимоявий вазифани, шунингдек, ҳужумни ташкил этиш-

да ҳам вақти-вақти билан қатнашиб турди. Жамоа ҳозирда тўрт очко билан 12-поғонада бормоқда.

СЕНСАЦИЯ ЮЗ БЕРМАДИ

Европанинг энг нуфузли турнири — Чемпионлар лигаси ярим финалчилари аниқланди. Айтиш мумкинки, бу сафар сенсация юз бермади. Аввалроқ бундай шарафга эга бўлган Испаниянинг «Вильярреал» ва Италиянинг «Милан» клублари сафига «Барселона» ва «Арсенал» жамоалари қўшилиши.

Дунёнинг энг яхши футболчилари унвоми соҳиби тўп сураётган «Барселона» ўз майдонида Португалиянинг «Бенфика» командасини қабул қилиб, 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Ушбу ҳисоб янада йирикроқ кўриниш ҳосил қилиши мумкин эди. Лекин шу кунги меҳмонлар дарвозабони Моретто мўъжизалар кўрсатди. У, хусусан 5-дақиқада Роналдини ижро этган пеналтни йўққа чиқарди. Бундан ташқари, қамада яна уч-тўртта хавфли вазиятда маҳорат кўрсатди.

Шунга қарамай, Роналдини 18-дақиқада яқин масо-

фадан дарвоза томон йўллаган зарба гол билан яқун топди.

Биринчи учрашувда ўз майдонида 2:0 ҳисобида зафар кўчган «Арсенал» клуби Италиянинг «Ювентус» жамоаси билан сафарда 0:0 ўйнаб, навбатдаги босқич масаласини хал қилди.

Пойга БИРОВ КЕТДИ, БИРОВ КЕЛДИ

«Тойота» штаб-квартирасидан фақуллодада шов-шувли хабар тарқатилди: япон жамоасини унинг техник директори, «Формула-1» етакчи дизайнерларидан бири Майк Гаскойни тарқ этди.

43 ёшли Гаскойни энг кўп ҳақ тўланадиган муҳандис сифатида 2004 йили «Рено»да эгаллаб турган шундай лавозимдан воз кечиб, «Тойота»га ўтган эди. Миш-мишларга қараганда, унинг ўринини бир вақтлар «Мишлен» фирмасида менежер бўлиб ишлаган Паскаль Васселон эгаллайди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

ЎРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР “Respublika Ko`chmas mulk birjasi Toshkent viloyati filiali”

Сизларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари билан Хусусийлаштириш дастурига киритилган давлат қорхоналари, объектлари ва улушлари бўйича ўтказиладиган ҳафтанинг ҳар душанба, чоршанба, жума кунлари Республика Кўчмас мулк биржаси ва унинг бўлимларида ўтказиладиган марказлаштирилган электрон биржа савдоларига таклиф этади!

Савдоларга 2006 йил 7 апрелдан

қўйидаги давлат объекти қўйилади: Олмалик шаҳар ҳокимиятига қарашли, Тошкент вилояти, Олмалик шаҳар, М.Улуғбек кўчаси, 9-сонли турар-жой биносининг 1-қаватидаги “Нотура-жой”нинг 83,6 кв.м.га тенг бўлган қисми объекти.

Объектнинг бошланғич баҳоси — 1217,8 АҚШ доллари (объект учун тўлов ЎзР МБнинг сотув кундаги курси бўйича сўмда амалга оширилади.)

Имкониятингизни бой берман!

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй, Тошкент вилоят ҳокимияти биносининг ўнг қаноти, Телефонлар: 133-28-52, 133-77-18, 133-49-31, факс: 133-43-73.

Хотира уйғонса гўзалдир

лашганмиз: — Инсоннинг бир кун келиб кетмоғи, рўй-рост айтадиган бўлса ўлмоғи тайин. Ҳўш, шу аснода жисми тарқ этган жон (руҳ)нинг бирор манзил-мақони борми? Анжироғи, руҳ қаердан қўним топади?

Ҳожиакбар ака кўзойнак

ҳақда халигача маълумотларни учратганим йўқ.

Ҳа, таниқли адабиёмиз ана шундай мантиққа таянадиган, кишида ишонч уйғотадиган, илмий таҳлилларга суянадиган жаҳоулар берарди. Тингловчине оний сонияларда ўзига сөҳрлаб қўя оларди.

Ҳожиакбар аканинг асарлари, уларнинг бадиий кадр-қиммати алоҳида бир мавзу-алоҳида бир мақола. Таъбир жоиз бўлса, қўламли бир илмий тадқиқот дейиш мумкин. Шу ўринда битта истиффорни айтмоқчиман.

Ушанда ўлимдан бекор гап очган эканман. Элимизнинг суоқли адаби, негидир маъносиланб қолганди. Бир пиёла чой устидаги охириги учрашувимиз шу тарзда яқун топганди.

Кўп ўтмай таниқли фантаст адабиёмиз тўсатдан вафот этди. Биз қалам аҳллари Ҳожиакбар акани энди бир умр кўролмаслигимиздан афсусда қолдик.

Хидирали ПАНЖИЕВ

Мухтаровна КАРИМОВА

Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари Ходимлари касаб уюшма Маркази Кенгаши, Тошкент шаҳар тармоқ касаб уюшма Кенгаши ва унинг бошланғич ташкилотлари «Ўзэлектроаппарат» қўшма қорхонаси касаб уюшма қўмитаси раиси Мукаддас Мирзараҳимоваға волида мухтарамаси МУҲАБАТ аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги Абдулла Қаҳор номили 1-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2001 йилда Камолова Бахтигул Абдусаматова номига берилган О'Р-З №0636475 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини давлат инспекциясининг №2172471108-сонли қадастри йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир биринчи ўринбосари Зайниддин РИХСИЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатта олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нарҳда.

Тиражи: 15408 Буюртма Г— 614 E-mail: ishonch\_doverie4@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Босишга топшириш вақти - 21.00

Топширилди - 22.10

«Шарҳ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.